ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 13 март, шанба • № 31 (24.426).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. С. Қодировни Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдурашит Саматович Қодиров Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 март

Яна бир автомобиль саноати

1995 йили «Ўзавтосаноат» уюшмаси туркиялик автомобилсозлар билан шартнома тузган эдилар. Унга кўра, Самарқандда йирик автомобиль саноати барпо этилмоқда. Ҳадемай «СамКОЧавто» ўзбек-турк қўшма корхонаси жаҳонга машҳур «Отойўл-Ивеко» компаниясининг автобус ва турли русумдаги юк машиналарини ишлаб чиқара бошлайди. Автобуслар 40-50 ўринга мўлжалланган. Сайёҳлар учун махсус русумдагиси эса 23-29 ўриндиққа эга бўлиб, Италия ва Испания ҳамкорлигида ихчам конструкциялар асосида яратилган.

«СамКОЧавто» тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда ҳар йили жаҳон андозасига мос уч мингта автобус ва мингта кичик хажмдаги юк автомашиналари ишлаб чиқарилади.

Бахтиёр СУЛТОНОВ

Наврўз кайфияти

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

«Кичик академия» катта ишларга қўл урди

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошида академик лицей ташкил этилган эди. Янги ўқув йилдан бошлаб шу лицейда иқтидорли ўқувчиларнинг «Кичик академия»си фаолияти йўлга қўйилди. Мақсад — лицей ўқувчилари орасидан истеъдодли ёшларни махсус тест синовлари ёрдамида аниқлаш, иқтидорий йўналиши бўйича пухта билим олиши учун шароит яратиб, алоҳида машғулотлар ўтказишдан иборатдир. Бунинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолди, яъни аълочилар Тошкентдаги халқаро аэрокосмик мактаби машғулотларида қатнашди.

Алим БЕК

Халқаро эътироф

«Ўзбекистон овози» газетасига олий мукофот

Халқаро маркетинг ва сифат ассоциацияси ўзининг йиллик олий мукофотини «Ўзбекистон овози» газетасига беришни лозим топди. Ассоциация президенти Мануэль Кортинадан таҳририятга юборилган мактубда шундай дейилади:

«Қадрли Бош муҳаррир!

Ҳозирги мураккаб халқаро воқеликлар маълум юксакликка эришган ва шу юксак мезонларни сақлаб тура оладиганлардан Вақт ва Замонга ҳамнафаслик, ўз серқирра фаолиятларини изчил такомиллаштириш салоҳиятини, интеграцияни тақозо этмоқда. Бундан ташқари самарадорликни муттасил ошира бориш, ўз ишига садоқатли, ижтимоий хизматнинг исталган турида ҳалол бўлиши зарур.

Бу хилдаги сифатлар International Gold and Silver to Quality — 1999 «Олтин ва қумуш сифат белгиси — 1999» олий мукофотини олиш билан эътироф этилади.

Бизнинг қўмитамиз ана шу хусусиятлар учун «Ўзбекистон овози» газетасини унинг фаолияти, берилаётган ахборотлар, фикрлар таҳлили, маҳаллий, миллий, халқаро миқёсдаги молия, иқтисод, бозорга оид масалаларга доир чиқишларига кўра шу мукофот билан тақдирлашга қарор қилди.

«Олтин ва қумуш сифат белгиси — 1999» мукофотини топшириш маросими 1999 йилнинг 20 март куни Мехико Ситидаги Краун Плаза меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

Бу маросимда қатнашувчи ишбилармонлар, жамоат арбоблари маҳаллий ва халқаро миқёсдаги етакчилар сифатида ўз миссияларини мазкур лойиҳага чуқур ҳурмат, масъулият ҳамда фидойилик билан адо этишларига кўра ажралиб турадилар. Улар халқаро жамоатчиликнинг ҳам ишончини қозонганлар.

Ўз иш-ҳаракатларини мунтазам такомиллаштириб бориш ўз-ўзига даъватдир ва айни пайтда ўз фаолиятининг юксак баҳоланганлигини англаган ҳолда ўз вазифасига фидойиликдир. Бундай эътироф ўз компанияси,ташкилоти ходимларининг ижодий кучғайратларини руҳлантирувчи муҳим рағбат ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижро сифати мезон бўлган компаниялар ва ташкилотлар билан ҳамкорликларда мижоз ҳамда буюртмачиларнинг уларга бўлган ишончлари тобора ортиб боради.

Сизни мукофот билан қутлаймиз!

Эҳтиром билан

Мануэль Виллагмез КОРТИНА, президент»

Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда

Биз танлаган йўл аниқ

Президентимиз айтганларидек: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз».

Ҳақиқатан ҳам шундай. Қарангки, собиқ иттифоқ даврида ҳар қандай тақиқларга, ҳар қандай зуғумларга қарамасдан ота-боболаримиз эътиқодида собит туришди. Негаки, бизнинг маърифий, маданий, ахлоқий меросларимиз мана шу муқаддас дин билан узвий боғлиқдир. Шу боис ҳам биз бу динни ҳамиша юрагимиз тўрида асраб келамиз. Мустақилликка эришгач, қизил империя даврида оёқ ости қилинган эзгу қадриятларимиз тикланди. Эсимда, қутлуғ байрамлар қаторида ҳайит кунлари ҳам дам олиш куни деб эълон қилинганида ота-оналаримиз кўзларида севинч ёшлари қалқиганди. Шундай кунларга етказгани учун Оллоҳ таолога шукроналар айтишган эди.

Оллоҳ даргоҳида ҳар ким қилган амали-солиҳига яраша жой олади, дейдилар. Шундай экан, Оллоҳга ким яқинроқ? Ўзини мусулмондай кўрсатиб, қабиҳ мақсадларини амалга оширишни кўзлаган кимсаларми ёки ҳамиша шукрона айтиб ободлик йўлида хизмат қилаётган кишиларми? Биз ёшлар кимлардан ибрат олишимиз керак? Шубҳасиз, ҳамиша эътиқодида собит тинчликсевар халқимиздан, бунёдкор ота-оналаримиздан! Биз мана шу эзгу қадриятларни қалбимизга жойлаб, дунёвий билимларни эгаллашни ният қилганмиз.

М. МАТКАРИМОВ,
Урганч Давлат университети талабаси.

Бу кунларга етганлар бор...

Юртимизда ҳеч қачон ислом динига бунчалик кенг йўл очилмаган эди. Албатта, дин эркинлиги дейилганда фақат беш вақт намоз ўқиш, тоат-ибодатнинг ўзини тушунмаймиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тикладик. Буюк мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимиз баҳраманд бўлишмоқда. Худо бизга шундай яхши кунларни ато этган бир пайтда, унинг қадрига етмасдан бир ҳовуч қўпорувчилар тинч турмушимизга раҳна солмоқчи бўлишди.

Фожиа рўй берганидан буён бир неча ҳафта ўтсада, ҳамон унинг даҳшати кўз олдимдан кетмаяпти. Худо кўрсатмасин, ёвуз кучлар устун келганда бугун қандай ҳолатга тушардик? Шундай мудҳиш ишга қўл урган кимсалар орамиздан чиққанини ўйлаганда қаҳримизнинг чеки бўлмайди.

Биз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан эркинликка эришганимиз учун, шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, элу юртимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтиб яшашимиз керак. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Жунайдуллахон ОДИЛХОНОВ,
Андижон шаҳри, «Яхши» маҳалла оқсоқоли, 85 ёшда.

Оллоҳга ҳам ёқмайди

Одамни нафс, манфаат ва худбинлик ҳар қўйга солар экан. 16 февраль воқеаларининг бошида турган, ўз Ватанининг юзига оёқ босган кимсалар уялмай-нетмай дини ислом, иймону эътиқоддан келишади, оғиз кўпиртириб шундан гапиришади. Уларнинг кимлиги, қора ниятлари нима эканлигини халқимиз жуда яхши билади.

Юртимиз мустақилликка эришгач, шу тупроқда вояга етган ўнлаб азиз-авлиё, улуғ кишиларнинг қабрлари обод қилинди, масжиду мақбаралар қайта тикланди, ҳаж сафарини ихтиёр қилганларга тўла шарт-шароит яратиб берилди. Буларнинг бари динимизга юксак эътибордан далолат. Бир эркинлик, бир эътибор бўлса, шунча бўлади-да. Ахир, куни кеча мустабид тузум даврида динга, эътиқодли кишиларга қандай муносабатда бўлишганини ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Буни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Айтмоқчиманки, халқимиз дин номидан гапираётган, аслида қўли қонгаботган кимсаларга қарши. Бундай нопок кимсалар Оллоҳга ҳам ёқмайди.

Жўра ХОНАЗАРОВ,
Қибрай тумани «Нуроний» жамғармаси раиси.

Шундай Йўлбошчинг бор, шукр эт, Ватан!

Ўн олтинчи февраль куни Тошкентда содир этилган хунрезлик, Президент ҳаётига суиқасд кимни ларзага солмади, дейсиз?!

Нега шундай бўлди? Нега орамиздан чиққан нонкўрлар Ватанга қўл кўтарди? Уларнинг қўлтиғига сув пуркаганлар ким? Ҳокимият дардида шундай ёвузлик қилишгача етиб борган хиёнаткор «демократ»лар қаёқдан куч олмоқда? Уларга садақа бериб турган, шундан манфаатдор бўлган сиёсий куч — қандай куч?

Уларнинг ортида Ватанимиздаги ҳаётни издан чиқариб, кейин келиб юртимиздаги бойликларни талон-торож қилишдан манфаатдор бўлган мустамлакачилар турганига биз шубҳа қилмаймиз.

Президентимиз жуда кучли, шунинг учун Ўзбекистон ёш, кучли давлат сифатида дунёга чиқиб боряпти. Улар бизни халқимизнинг, Ватанимизнинг қалқони — Президентимиздан жудо қилишни, ўзимизни яна қуллик асоратига солишни истайдилар. Бундай кучларнинг қўлида ўйинчоқ бўладиган, ҳукмронлик васвасасига берилган хиёнаткор кимсалар ўз халқининг кўкрагига ханжар урмоқчи бўлишди.

Шунинг учун ҳам биз — ўқувчилар лицейимизнинг энг эътиборли жойига мустақил давлатимиз рамзларини, ундан ҳам юксакроқ жойга Йўлбошчимизнинг расмини қўйиб, шундай даъват битганмиз:

Агар руҳ бўлмаса ожиздур бу тан,
Шундай Йўлбошчинг бор,
шукр эт, Ватан!

Шаҳрихон шаҳридаги 2-лицей интернат ўқувчилари номидан Зебо ХУДОЙНАЗАРОВА.

Чингиз Айтматов – Ўзбекистон меҳмони

Ўзбекистон Байналмилал миллий марказида асримизнинг машҳур адиби Чингиз Айтматов билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шоир ва адиблар, китобхонлар иштирок этди. Таниқли адиб бугунги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий жараёнларга бўлган ўз қарашларини ифодалаб берди. Учрашув муҳлислар ёдида ёрқин хотира бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти қўмитасидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти қўмитаси 1999 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига ишларни тақдим этиш муддати 1999 йилнинг 15 мартидан 1 июнигача белгиланганлигини маълум қилади.

Бу олий мукофотга тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700047, Тошкент шаҳри,
Яҳё Гуломов кўчаси, 70-уй.
Телефон: (371) — 133-74-82.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника соҳасидаги Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти қўмитаси

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Суюнчисиз қолган қувончлар

Август ойининг ўрталари эди, ўшанда. Эски раис бўшаб, ширкатга янги раис келганига эндигина ўн кунча бўлган эди. Хадича кўпдан битмай юрган ишининг битиб қолиши илинжида янги раҳбар ҳузурига кирди. Шоди Исмоиловни раисликка сайлангани билан табриклаб, сўнг ўз муддаосига ўтди.

— Керакли ҳужжатларни топшириб қўйганимга ярим йилдан ошмоқда, лекин ҳалигача суюнчи ва декрет пулларимни ололмай юрибман, — деди Хадича Набиева. — Шароитимизни тушунасиз, деб ўйлайман. Жўжа бирдай жонмиз. Турмуш ўртоғим ҳам ойлик ололмаяптилар, иқтисодий томондан анча қийналиб қолдик. Иложи бўлса ёрдам қилсангиз, — деди уй бекаси одоб ва андиша билан сўз юритиб.

Раис бу аёлни биринчи кўриши эди. Чунки, ўзи ҳам янги.

— Майли, — деди у муроса оҳангида, — пул келсин, кўрамиз, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Шундан сўнг орадан чамаси тўрт-беш кун вақт ўтгач, ширкатга пул келибди, одамларга ҳақ берилар эмиш, деган гап қулоғига чалиниб қолди. У қувонганидан тезда ариза ёзиб, раис ҳузурига кирди. Раис эътироз билдирмай, ариза бурчагига имзо чекди ва:

— Мархамат, бориб ҳақингизни олинг, — деди.

Хадичанинг, қоғозни олар экан, хурсандчиликдан юраги ҳапқириб кетди. Лекин қоғоз бурчагидаги: «500 сўм ёзиб берилсин» деган ёзувга кўзи тушдию, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай, қўл-оёғи бўшашиб қолди. Сўнг журъатсизгина раисга юзланди.

— Ахир, бу нима бўлади, раис бува? Сизнинг олдингизга шунча овора бўлиб келганимга арзирмикан...

— Ҳозирча олиб туринг, — уни тинчлантирди раис. Пул тушиб қолса, яна ёрдам қиламиз.

Хадича ноилож ҳеч нима дея олмай чиқиб кетди. Ахир, раҳбар одам бирор нарсани ўйлаб кўргандирки, шундай қилаётгандир. Майли, шунча кутган, яна бир оз сабр қиларман, дея ўзини юпатди Хадича Набиева.

Шу орада пахта йиғим-терими ҳам бошланиб қолдию, далада ишлар қизиб кетди. Қишлоқ одамлари эмасми, бундай шароитларда катталарни безовта қилмасликни дала меҳнат аҳли ўзлари учун одоб деб биладилар. Гарчи оилавий ташвишлар, йўқчилик, камкўстлар ҳар куни ўз таъсирини ўтказиб турсада, улар сабр қилишни афзал биладилар. Оилада ишга яроқлиларнинг барчаси теримга чиқди, қўлларидан келганча ҳаракат қилишди. Унча-мунча пул ҳам топишиб, нари-бери камларини қилиб олгандай ҳам бўлишди.

Бироқ октябрь ойи охирлаб, йиғим-терим тақдири деярли ҳал бўлиб, совуқ туша бошлагач, она қалбига яна ташвиш тушди. Болаларни кийинтириш, едириш, ичириш керак. Бунинг устига қанча ўй-ташвишлари бор. Ширкат раисларига ҳам худо инсоф бериб қолган бўлса ажаб эмас, бу орада хўжаликка унча-мунча пул тушгандир. Катталар туққан хотинларнинг декрет пулларию, суюнчисини беришдан бўйин товламаслар, деган хаёл билан у яна раис ҳузурига кирди.

Лекин бу гал раис олдинги пайтлардагига қараганда анча ўзгариб қолгандай туюлди унга. Аввало арзчининг гапларини унча эшитгиси ҳам келмади. Охири ўз ҳақини талаб қилаверган бу аёл жонига тегди шекилли:

— Қачон хўжаликка нафақага берилсин деган кўрсатма билан пул келса, сизларга бераман, бўлмаса бера олмайман, — деди Шоди Исмоилов тўнини тескари кийиб. — Йўқ пулни мен қаердан олай? Ўзим пул босиб чиқара олмайман-ку?!

Бечора аёлга раиснинг бу муомаласи роса алам қилди. Ахир, у шу пайтгача хўжалик бошлиғининг сўзларига ишониб келган эдида. Наҳотки улар бизларни одам ўрнида кўрмаса, аҳволимизни тушунмасалар? — дерди аёл ички бир алам билан.

Кўрдики, хўжалик раҳбаридан нажот чиқмайди. Энди у ҳам белни астойдил боғладида, ёрдам сўраб туман ҳокимлигига борди.

Ҳокимликда уни қабул қилишди, арзларини тинглашиб, ёзиб келган хатини олиб қолишди ва ёрдам қилишга ваъда беришди. Туман ҳокимлиги томонидан йўлланган хатга ширкатлар уюшмасидан жавоб ҳам етиб келди. Унда, Набиевага пул берилди, деган мазмун-даъво ўз аксини топган эди. Бундай даъвога эса... ўтган йили август ойида Набиевага берилган ўша 500 сўм пул асос бўлган эди.

Кўриниб турибдики, уюшма раиси ўжарлик қилмоқда, ўртадаги зиддиятни ўзи билибми, билмайми, баттар кучайтирмоқда. Бошқача айтганда, аризачининг ярасига туз сепмоқда эди...

Давлатимиз раҳбарининг мазкур йилни Аёллар йили деб эълон қилишлари кўплаб онахон ва опахонларимиз қатори Хадича Набиеванинг ҳам қалбига умид учқунларини ёқди, унга куч-қувват, ғайрат бағишлади. У ниҳоят адолатни қарор топтириш мақсадида бу сафар Боёвут туман прокурорига мурожаат этишга ахд қилди.

Туман прокуратурасининг бу масалага аралашгани раисни бироз инсофга келтирдими ёки бошқа нарсаларни ўйладимми, ҳар қалай Шоди Исмоилов бироз «саховат» кўрсатди. Яъни у Хадича Набиевага бу сафар... 1000 сўм пул ёзиб бўлмаса — йўқ. Гап тамом — вассалом, — деди Шоди Исмоилов.

Хадича Набиеванинг Боёвут туманининг чекка бир қишлоғидан «Ўзбекистон овози» таҳририятига нима сабабдан қалб изтиробларига тўла нома йўллаганининг сабабини балки сиз ҳам энди яхши тушунгандирсиз, муҳтарам газетхон. Оддий одамларни, муҳтарама опахон ва онахонларимизни кимлар ва нималар сарсон-саргардон қилмоқда, уларни идорама-идора юриб, арзчи, шикоятчи бўлиб қолишга сабаб бўлмоқда — шугина бир мисолдан англаб олиш қийин эмас.

«Мен ширкатлар уюшмасида 22 йилдан буён ишлайман, — деб ёзади Хадича Набиева бизга йўллаган мактубида, — етти нафар фарзандим бор. Ўтган йилнинг 19 январида ҳомиладорлик таътилига чиққан эдим, 1998 йилнинг 8 март куни эса эгиз фарзандли бўлдим. Мана, эгизакларим бир ёшга тўлишмоқда. Лекин ҳозирга қадар суюнчи пули ва декрет нафақаларимни ололганим йўқ. Умр йўлдошим ҳам хўжалигимизда 25 йилдан буён ишлайди. Лекин уч йилдан буён уларга ҳам иш ҳақи берилмайди. Оиламиздан 4 нафар фарзандларимиз мактабга қатнайди. Моддий етишмовчиликлар туфайли икки фарзандим икки ойдирки, мактабга бора олмай қолдилар. Иқтисодий шароитимиз қийинлиги туфайли бир йилдан буён нафақа пули учун югураман. Лекин на ширкатимиз, на туманимиздаги раҳбарлар аҳволимизни тушунишни истайдилар. Бизларнинг айбимиз нимада? Бундай сарсонгарчиликларга қачонгача чидаш мумкин?»

Биз билан бўлган суҳбатда мазкур ширкат ҳудудида жойлашган «Мингчинор» фуқаролар йиғини раиси Турсунмурод Турдибоев ўз нафақа пулини ололмаётганлар оз эмаслиги, мазкур ширкатлар уюшмаси 1997-1999 йиллар учун оналарга 324 минг сўм суюнчи пули ҳамда 76 минг сўмга яқин ҳомиладорлик нафақа пулларини бериши керак. Лекин ҳалига қадар хўжалик бу қарзларини уза олгани йўқ, деди.

— Бу ёғини сўрайдиган бўлсангиз, — суҳбатда аралашди ширкатлар уюшмаси раиси Шоди Исмоилов, — жамоадагилардан тахминан 28 миллион сўм иш ҳақи қарздорман. Лекин бунинг учун мен айбдор бўлмасам керак?! — деди тутоқиб ўзининг бу ерга янги келганига ишора қилар экан.

Ҳақиқатан ҳам Шоди Исмоиловнинг уюшмага раис этиб сайланганига, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, энди 7-8 ой бўлмоқда. Биз у кишига айбдор ёки айбсиз, шунингдек «яхши» ёки «ёмон» деган тамғани босиш ниятидан йироқмиз. Лекин раҳбар одатда эскидан йиғилиб қолган камчиликларни бартараф этиш, одамлар, шу жумладан хўжалик мушкулини осон қилиш учун сайланади. Хўжаликда ҳақиқатан ҳам иқтисодий муаммолар оз эмас. Лекин бу каби муаммо ҳамда етишмовчиликлар оддий меҳнат кишилари, айниқса онахон ва опахонларимизнинг дард ва ташвишлари, ҳукуматимиз томонидан бериб қўйилган ҳуқуқ ва имтиёзларига беписандлик, менсимаслик учун асос бўла олмаса керак.

Уюшма раисиқу «мен ҳали янгиман» деган баҳона билан муаммо ечимини ўзидан соқит қилишга уринмоқда. Лекин туман миқёсидаги мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари бу воқеада ўзларини нима дея оқлай олар эканлар? Етти фарзанднинг онаси бўлмиш Хадича Набиева барча тартиб-қоидаларни ўрнига қўйиб ҳам туман ҳокимлигига, ҳам прокурорга, туман нафақа жамғармаси бошлиғи Норой Жўраева ҳамда бошқа тегишли идораларга мурожаат этиб кўрди. Бироқ, афсуски ана шу идорадагиларнинг ҳеч бири масаланинг туб моҳиятига етиш, сарсон бўлиб юрган аёлга ёрдам қилишга астойдил қизиқмадилар. Бу хилдаги иш услуби билан халқ орасида обрў-эътибор топиш, уларнинг меҳрини қозониш мумкинмикан? Бундай туйғуларсиз у ёки бу ташкилотга ёки жамоага қандай қилиб раҳбарлик қилиш мумкин?

Норбобо ШАКАРОВ,
Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Виждонимиз олдида жавоб берайлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида 11 март куни марказий газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари, Давлат матбуот қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания ҳамда мамлакатимиз ахборот агентликларининг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Йиғилишда ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Жумладан, февраль воқеаларини матбуотда ёритиш билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида фикр юритилди.

Дарҳақиқат, 16 февраль куни пойтахтимиз Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар халқимиз бошига тушган оғир мусибат ва синов бўлди. Мустақил Ватанимиз тарихида илк бор Мотам куни эълон қилиниб, бегуноҳ қурбон бўлганлар хотираси учун давлатимиз байроғи қуйи эгилди. Одам боласининг тасаввурига сиғмайдиган бу хунрезлик иштирокчилари ва уларнинг орқасида турган кучларга нисбатан халқимизда чексиз қаҳр-ғазаб уйғонди. Тошкентда гумбурлаган портлашлар бутун дунёдаги тинчликсевар инсонлар қалбида акс садо берди.

Таниқли давлат арбоблари, фан ва маданият намояндалари, оддий кишилар — узоқ-яқиндаги бизга хайрихоҳ, ҳамкор дўстлардан Президентимиз Ислом Каримов номига келаётган, ҳамдардлик туйғулари изҳор этилган минглаб мактуб ва номалар бундан далолат бериб турибди.

Мазкур воқеалар муносабати билан мамлакатимиз матбуотида, кўпгина чет эл нашрларида холисона, теран мулоҳазалар билан бир қаторда пала-партиш фикрлар, бирёқлама қарашлар, саёз, шошилинч хулосалар ҳам кўзга ташланди.

Мажлисда содир этилган воқеалар ҳақида жамоатчиликка ахборот бериш, уни огоҳликка чорлаш борасида оммавий ахборот воситаларимиз муайян ишларни амалга оширгани қайд этилди. Хусусан, рўй берган воқеа муносабати билан юрт оқсоқоллари, меҳнат жамоалари ва ёшлар вакилларининг эл дарди акс этган юрак сўзлари ёритиб борилди. Қашқадарёлик муаллиф Н. Равшановнинг «Отадек азиз ва суюк» лавҳасида ҳикоя қилинган бир воқеа бунга мисол бўла олади: фожиа дарагини эшитгач, бемор бўлиб ётган саксон олти ёшли отахон беихтиёр ўрнидан туриб кетиб, эҳ, қанийди, ҳозир қирқ-эллик яшар пайтим бўлганида эди, нима қилишни ўзим билардим, шундай одамга қўл кўтарган нобакорлар кўр бўлсин, дебди ғазаб билан. Бу сўзларнинг юрак-юракдан чиққани шундоқ кўриниб турибди. Чунки отахоннинг бу гапларни айтишдан бирон-бир таъмаси, илинжи йўқ, унинг тилаги фақат шу юрт тинч бўлса, орқасида қолаётган фарзандлари, невара-чеваралари соғ-омон яшаса...

Йиғилишда шу нарса таассуф билан таъкидландики, матбуотимиздаги баъзи бир чиқишларда ҳаёт масъулиятини сезишга, англашга даъват этадиган бу фожиага юзаки ёндошиш, ундан сохта обрў орттириш ниятида фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Айрим ахборот воситалари чуқур таҳлил, инсоний қуюнчаклик, қалб ҳароратини талаб қиладиган бу мавзуни сийқалаштириб, жўн бир воқеага, бошқача айтганда, совет давридан қолган кампания-бозликка айлантириб юборди. Атрофлича мушоҳада, содда, самимий ҳис-туйғулар ўрнини тумтароқ гаплар, сўзамоллик пойгаси эгаллаб олгани айниқса ачинарлидир. Ҳатто баъзи газеталаримиз бу муборак, нозик, айтиш мумкинки, қалтис масалани мушоирага айлантириб юборганига нима дейиш мумкин!

Ўзингиз ўйланг, гуноҳсиз одамларнинг ўлимига сабаб бўлган, юзлаб оналарнинг, мурғак гўдакларнинг кўзларини ёшга тўлдирган бу машъум фожиа ҳақида қандай қилиб ҳиссиз, ҳароратсиз, турли цитаталар билан безатилган қулочқулоч «илмий» мақолалар битиш мумкин? Бундай хатти-ҳаракатлар замирида пайт келиб қолибди, газета ёки телевизорда бир кўриниб қолай, зора назарга тушиб қолсам, деган илинж, носамимий интилиш йўқмикан?

Юртимиз бошига тушган фожиадан сохта обрў орттириш йўлида фойдаланиб қолишга уриниш қайси инсоф ва адолат мезонларига тўғри келади? Бундай ножўя ишларни кўрганда девонаи ҳақгўй Машрабнинг: «Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама», деган сўзлари ёдга тушади.

Бу чиқишлардаги «огоҳлик» ва «ҳушёрлик» сўзларидан бошланувчи эгизак сарлавҳалар, сийқаси чиққан фикр ва жумлалар, қайтариқлар тўлиб-тошиб ётгани тўғрисида-ку гапириб ўтирмайлик. Бир журналист дўстимиз ошкора эътироф этганидек, муайян воқеага кўпчилик нашрларда муносабат бир хил, яъни мустақил муносабат йўқ. Шу сабабли битта муносабат ҳамма газетада «сайр» қилиб юради. Чунки мустақил муносабат йўқ жойда фикр йўқ, олға силжиш йўқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятни ҳайбаракаллачилар эмас, балки мустақил фикрли одамларгина асрай олади ва тараққий эттиради. Мустақил тафаккурга эга журналистгина мустақиллигимизга ҳизмат қила олади.

Аслини олганда, шу синов муносабати билан ўзини мана шу юрт фарзандиман деган ҳар бир инсон ўз виждони олдида: «Шахсан менинг бу воқеага муносабатим қандай?» деган саволга жавоб бериши керак эмасми? Эҳтимол, кўпчилик ватандошларимиз кўнглидан шу каби саволлар ўтгандир, бироқ, афсуски, аксарият оммавий ахборот воситаларимиз халқимиз юрагидаги ана шу безовта ўйларни, мустақил фикрларни, қалб туғёнларини тўла акс эттира олмади.

Бу ҳол матбуотимизнинг ҳалиҳануз халқ дилининг кўзгуси бўлолмаётганидан, содда, ўз фикрини бежаб-бўямасдан, лўнда қилиб гапирадиган оддий одамларнинг минбари даражасига кўтарила олмаётганидан далолат беради, дея эътироф этдилар мажлис қатнашчилари.

Шу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси виждонли инсон, дини ва миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ватанимни, ота-онам, фарзандларимни турли офатлардан, бало-қазолардан қандай қилиб асрашим мумкин, деган саволларни ўзига-ўзи бериши керак. Эски тизим ва янги ғоялар ўртасида кескин кураш кетаётган ҳозирги шароитда ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, «Мен бу курашда жабҳанинг қайси томонидаман?» деган саволга узил-кесил ва очиқ муносабат билдириши зарур.

Афсуски, ҳамма ҳам шу кескин, масъулият талаб қиладиган саволлар ҳақида ўйлаяпти, деб бўлмайди. Мана шу ҳаёт-мамот масаласида аниқ позицияси йўқ одамни эса мустақил фикрли одам деб аташ мумкин эмас.

Президентимиз «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деб бутун халқимизга мурожаат этганида аввало ҳар биримизнинг тақдиримизни, нафақат бугунги кунимиз, балки келажак ҳаётимизни ҳам мутлақо бошқа томонга буриб юборадиган мана шундай хатарларни назарда тутган эди.

Тасаввур қилиб кўрайлик: мабодо ўша қабиҳ ният амалга ошганида Ватанимиз тақдири, халқимиз қисмати нима бўларди?

Не кунлар бошимизга тушарди?

Ўз ташвиш муаммоларини ўзи ҳал этиб, бировдан садақа сўрамай, ўз сарбони бошчилигида кўзлаган манзили сари собит бораётган Ўзбекистон карвонини йўлдан қайтаришга, иложини топса, унинг бойликларини хомталаш қилишга кўз тиккан бадниятқарокчилар пана-пасткамлардан бош кўтариб чиқмасмиди?

Ҳалол курашга дош бера олмаган, ҳокимият, амалу мансаб талвасасида турли нопок кучлар билан тил бириктирган даҳо «демократлар»га, ислом динини ўзича «хусусийлаштириб» олган жаҳолат бандаларига кунимиз қолса, ҳолимиз не кечарди?

Энг муҳими, бу террорчилик ҳаракати ортида муайян катта сиёсий кучлар турганини, уларнинг разил мақсади халқимизни ўз йўлбошчисидан айириб, пароканда қилиб ташлаш орқали ҳалокатга маҳкум этиш, шу йўл билан қабиҳ ниятига эришишдан иборат эканини, қисқаси, 16 февраль воқеалари қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлганини барча юртдошларимиз ҳам тўла тасаввур қила оляптими?

Мажлисда ана шу фожиа оқибатларини тасаввур этишда одамларга кўмаклашиш, уларнинг бу хусусдаги фикрини уйғотиш, баландпарвоз, ҳавойи гаплар эмас, балки теран фикр, ёниқ сўз билан жамоатчиликнинг нуқтаи назарини шакллантириш матбуотнинг асосий вазифаси ва бурчи эканига эътибор қаратилди.

Агар рўй берган машъум фожиани «Бу кимларга керак эдию қандай кучлар ундан манфаатдор эди» деган нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрилганда, кўп нарса ойдинлашарди.

Ўйлаймизки, ҳар бир одам юқорида зикр этилган саволларга ўз савияси, ўз тушунчаси доирасида жавоб топишга ҳаракат қилса ва бу жараён газета саҳифаларида, радио-телевидение эшиттиришларида холис ифодасини топса, матбуот жамият ҳаётининг кўзгуси сифатида бу борадаги ўз вазифасини адо этган бўлур эди.

Йиғилишда оммавий ахборот воситалари ишини замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, Ахборот-таҳрир хизмати раҳбари М. М. Дўст, Матбуот котиби А. Зиё, Ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов қатнашди.

(ЎзА)

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ислоҳотларда сусткашлик кетмайди»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 29 декабрь сонида чоп этилган «Ислоҳотларда сусткашлик кетмайди» сарлавҳали мақолани ўрганиш таҳлили юзасидан вилоят ҳокимлигида тегишли масъул раҳбарлар иштирокида ушбу масалалар муҳокама қилинди ва бу борадаги камчиликларнинг вилоятимизда қайтарилмаслиги юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, туман ҳокимликлари, банк, молия, тадбиркорликни ривожлантиришга оид бўлган барча тизимлар ишларини тубдан яхшилаш борасида масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар ва топшириқлар берилди. Ушбу камчиликларга барҳам бериш мақсадида қилинган тадбирлар вилоят ҳокимлигининг назоратида турибди.

Сурхондарё вилояти ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ

Хатлар, хатлар, хатлар

Раисни дуо қилиб

Қўрғончадаги рудникнинг иш фаолияти тугай бошлаши ҳамда баъзи раҳбарларнинг нўноқлиги туфайли маҳаллий аҳолининг яшаш шароитларига путур етди. Яъни сурункасига ичимлик сув танқислиги, иситиш тармоқларининг ишламаслиги кўпчиликни ранжита бошлади. Бу ҳақда юқори ташкилотларга мурожаат ҳам қилинди. Ҳайтовур шаҳар ҳокими Талъат Ҳамидовнинг ташаббуси ила кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар билан Қўрғонча фуқаролар йиғини раиси Полвонов ўрнига Абдисалом Қурбонов тайинланди. Янги раис ёш, ишчан ва фидокор экан. Қисқа муддатда Қўрғончани сув билан таъминлаш, иситиш тармоқларини узлуксиз ишлашига эришди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор кучайтирилди. Энг муҳими Қўрғонча аҳлининг қувончи ортди. Отахонлар янги раисни дуо қилиб, ишларига ривож тилашмоқда.

Сафар НОМОЗОВ,
II-гуруҳ ногирони,
Каттақўрғон

Аёлларга қувонч бағишларди

Мен ҳам кўплаб мухлислар қатори «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг чиқишларини жуда ёқтираман. Айниқса, таниқли эстрада хонандаси Фаррух Зокировнинг хонишлари довруғи жаҳонга таралгани ҳаммага маълум. Зеро, инсон боласи ҳар қандай ажиб нарсалар билан қаноатланиб қолавермайди. Шунинг учун бўлса керак, ҳар гал «Ялла»нинг чиқишларини кузатганимда бир фикр менга тинчлик бермайди. Нима экан дейсизми? Бир вақтлар ансамблда Наргиза Бойхонова деган ёқимли овоз соҳибаси бўларди. Нега энди ансамблга яратилаётган шарт-шароитлар жаҳон андозаларига мосланган, қўшиғу яллалар тобора мазмунан таъсирчан бўлиб бораётган бир пайтда ўша Наргизадек хонандага жой бўлмай турибди. Қани энди ансамблда Гулбаҳор, Гулчеҳра, Гулираъно, Гулисора каби исмларда эстрада қўшиқларини жўшиб куйловчи қизларимиз ҳам саҳнага чиқиб «Ялла»нинг обрўсини янада оширишга ҳисса қўшишса.

Қаюм ОДИЛОВ,
техника фанлари номзоди

Болалигим — беғуборлигим
Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Шартнома шартларини бажариш — олий бурч

Қадимий ва доимо ёшариш ҳамда янгиланиш йўлидан бораётган корхонанинг кадрлар бўлими эшиги пештоқидаги «Бизда ҳозирча бўш ишчи ўринлари йўқ, шу боис мурожаат қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ», деган ёзувни ўқиб ҳайрон қолдик.

— Ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ, — деди «Янгийўлёғмой» ҳиссадорлик жамияти раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Худоёров. — Чунки, бизда кадрлар қўнимсизлигига аллақачон барҳам берилган. Жамоамизда саралланган, ўз касбининг устаси бўлмиш фидойи кишилар меҳнат қилади. Ижтимоий ҳимояга катта эътибор бериляпти. Ишчиларимиз ўз вақтида мўмайгина маош олиб туришибди. Ҳиссадорлик жамияти бўлганлиги боис дивидендлар ҳам ўз вақтида тўланяпти. Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра ҳар бири 100 сўмлик бўлган минимал акцияларга 423 сўмдан дивиденд тўлангани фикримизнинг далилидир. Айниқса, пенсионерлар, имтиёзли акция эгалари дивидендлардан беҳад шод бўлишди. Айни пайтда ўтган йилнинг иккинчи ярми учун ҳисоб-китоб ишлари якунланиш арафасида. Бугун бўлиб ўтадиган ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида натижалар эълон қилинади. Даромад янада мўмай бўлиши кутилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам қаердаки, манфаатдорлик юксак даражада бўлса, яхши шароит яратилса, иш юришаверади. Муваффақиятлар ҳам ўзини куттириб қўймайди.

Аслида ушбу корхона маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча бурчакларида маълуму машҳур. Янгийўлда ишлаб чиқарилган пахта ёғи, ёки Янгийўл совуни деганда, албатта шу корхона тушунилади. Маҳсулот эса ҳамиша сифатли бўлиб келган. Бу ерда шартнома шартларини бажаришга ҳаётий муҳим масала, деб қаралади. Шу боис, ким билан шартнома тузилса, келтирилган хомашё учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинади. Айниқса, хўжаликлар, фермерлар, пахта заводлари билан ҳисоб-китоблар аниқ йўлга қўйилган. Норозилик ҳолларига имкон қолдирилмайди.

Корхонадагилар яхши эслайдиларки, бундан бир неча йиллар аввал хомашё таъминотида камчиликлар юз берди. Бунга асосий сабаб шуки, барча туманларда, қатор хўжаликларда мойжувоз цехлари кўпайиб кетди. Заводга келиши зарур бўлган пахта чигити ана шу мойжувозларга синга бошлади. Бу цехларда маҳсулот фильтрацияси йўқлиги боис ёғ сифатига путур етди. Ахир, катта корхонада маҳсулот тайёр ҳолга келгунча етти марта тозаланади-да. Аҳоли истеъмоли учун эса экологик жиҳатдан тоза маҳсулот зарур. Ўша кезларда савдо ташкилотлари ҳам маҳсулотни аҳолига вақтида етказиб бермай, сунъий танқисликни вужудга келтирдилар.

Мамлакатимиз Президенти, ҳукуматимиз бундай ўзибўларчиликни бартараф этиш чора-тадбирларини ўз вақтида кўришди. Хўжаликлар, фермерлар шартнома шартларини бажара боришди. Ўз-ўзидан ушбу корхонага ҳам кўплаб хомашё кела бошлади.

Биргина 1998 йилни олайлик. Корхона ўз олдига қўйган режа ва вазифаларни муваффақиятли уддалади. Ҳиссадорлар ўтган

Ислоҳот ва масъулият

йили 108 минг тонна техник чигитни қайта ишлашди. Юксак маҳорат ва уддабуронлик билан тер тўкиб, халқ хўжалигига 16 минг тонна пахта ёғи етказиб беришди, 14 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқариб, савдо ташкилотларига етказиб берилгани ҳам қувончли. Режадагидан 718 тоннадан зиёдроқ пахта ёғи тайёрланди. Умуман, 3,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 238 миллион сўм соф даромад олинди.

Бундай шижоаткорона ҳаракатдан чорвадорлар ҳам манфаатдор бўлишди. Ахир, қувонмай бўладими? Корхона чорвадорларга 47 минг 200 тонна шрот, яъни кунжара ҳамда 36 минг тонна шелуха етказиб берди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу маҳсулотларнинг барчаси шартнома шартларига биноан эгаларига жўнатилди. Қайта ишланган чигитнинг 55 фоизи хўжаликларга тегишли эди. Кўриниб турибдики, улар ҳам мўмайгина даромад олишди. Энг муҳими, шартнома шартларини бажариш уларга катта фойда келтириши мумкинлигини чуқур ҳис қилишди. Эндиликда улар ҳам масъулиятни сезадиган бўлиб қолишди.

Бугунги кунда ўз маҳсулотини хорижга чиқариб сотолмаган корхонанинг келажаги йўқ. Шу боис ҳам ҳиссадорлар ўз маҳсулотларини хориж бозорларига чиқаришга интилмоқдалар. Бу ўринда аввал ички бозорни тўлдириб қўйишни ҳам унутмаяптилар. Ҳозир барча дўконларимизда пахта мойи сероб. Корхонадагилар техник ёғни хорижга сотишмоқда. Масалан, ўтган йили техник ёғни хорижий мамлакатларга етказиб бериб, 200 минг АҚШ доллари миқдорида валюта ишлаб олишди.

Бу маблағ ишлаб чиқаришни яхшилашга сарфланмоқда. Чунончи, сифатли, тозаланган, жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш замон талаби. Шу мақсадда ёғни қадоқлаб чиқарадиган янги замонавий цех қурилиши 1997 йилда бошлаб юборилган эди. Ўша йили бунёдкорлик ишларига 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Ўтган йили эса бундан ҳам зиёдроқ маблағ ўзлаштирилди. Ишлаб топилган валюта ҳисобига эса хориждан дастгоҳлар, асбоб-ускуналар келтирилди. Ушбу цехда тозаланган пахта ёғи 1 литр ва 5 литр ҳажмдаги идишларга қадоқлаб чиқарилади. Бу харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам қулай. Янги цех Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Ўшанда корхона қуввати янада ошади.

Дарвоқе, қадоқлаш цехининг шундоққина ёнгинасида марказий лаборатория биноси ҳам қад кўтарди. Маълумки, лабораторияда аёллар меҳнат қилишади. Шу боис янги лаборатория комплексини хотин-қизлар «Аёллар йили» муносабати билан ўзларига тақдим этилган совға сифатида қабул қилмоқдалар.

Айтмоқчи, янги цехда ёғни ҳидсизлантириш асбоб-ускуналари ҳам ўрнатилмоқда. Булар ҳам хориждан келтириляпти. Қадоқлаш ускуналари бўйича Тошкентдаги конструкторлик бюроси билан ҳамкорлик қилинмоқда. Шунингдек, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидан пластмасса идишлари тайёрлад чиқарадиган ярим автоматлар келтириб ўрнатилди. Бу ишлар амалга ошгач ёғ маҳсулотлари мижозларга ўта сифатли ҳолатда етказиб берилади.

Яна бир гап. Айни пайтда корхонада 710 киши меҳнат қилаётир. Ўртача ойлик маош 8800 сўмни ташкил этган бўлса-да, яқинда ишчи-хизматчиларга ўтган йил якунлари бўйича иш стажига қараб 13 мингдан 51 минг сўмгача 13-маош ҳам тўланди.

Шу боис ҳам бу ерда илғорлар сафи кенгайиб бораётир. Ерсултон Аҳмедов, Сайлов Сафиев, Қобил Қосимовлар корхонанинг ҳақиқий маънодаги фахридир.

Тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган корхона ишчи-хизматчилари айни кунларда 1999 йил учун белгиланган бизнес режаларини астойдил амалга оширмоқдалар. Биз уларнинг эзгу ишларида улкан зафарлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Иқлим ўзгариши қиёмат қойимми?

Иқлим ўзгариши бўйича халқаро лойиҳа қатнашчиси, эколог олим Ҳасан Турсунов билан суҳбат

— XXI аср бўсағасида барқарор ривожланиш босқичига ўтиш жаҳон ҳамжамияти, турли ривожланиш даражасидаги давлатлар учун устувор масалага айланиб қолмоқда. Бундай зарурат қаердан келиб чиқди?

— Инсониятнинг ўтмиш тарихи турли фалокатлар, офатлар, қирғинбарот урушлар билан характерланади. Миллиардлаб инсонлар бу офатлар натижасида қирилиб кетган, тараққиёт залолатга юз тутган. XX асрда ҳам табиий офатлар, фалокатлар, урушлар миллионларнинг ёстиғини қуритди. Экологик ҳалокат нафаси сезилиб қолди. Шундай вазиятда жаҳон тараққиётини барқарор қилиш масаласи келиб чиқади. Ушбу дастур инсоният тарихидаги энг йирик юксак даражадаги учрашув бўлган Рио-де-Жанейро конференциясида эълон қилинди. Барқарор ривожланиш йўлига ўтган алоҳида давлат ёки жамият ўз эҳтиёжларини келажак авлодлар эҳтиёжига зид келмаган ҳолда қондириш вазифасини қўяди. Ўзбекистон Республикаси ҳам барқарор тараққиётга ўтишнинг умумжаҳон жараёнларига қўшилмоқда.

— Чиндан ҳам дунё экологик инқироз бўсағасида турибди. Айрим экологик муаммоларнинг кескинлашуви кўпчиликни ҳақли равишда ташвишга солиб қўймоқда. Узоққа бормайлик, бу йил қиш анча юмшоқ келди. Ҳали февраль ойи якунланмасдан айтиш мумкинки, иқлим ўзгаришларининг оқибатлари сезилди. Умуман, ҳозирги кунда иқлим ўзгаришлари кўпчиликни қизиқтиради. Келинг, шу мавзуда суҳбатлашсак. Иқлим ўзгаришининг моҳияти нимада?

— Табиий омиллар ичида об-ҳаво ва иқлим ҳаётимизга энг кўп таъсир қилади. Тарихда иқлим ўзгаришлари инсон тақдирини кўп жиҳатдан белгилаган. Ҳозирга келиб эса инсон иқлимни ўзгартираяпти ва унинг оқибатлари бизга кўплаб зарар етказиши мумкин. Хўш, об-ҳаво ва иқлим нима? Об-ҳаво кундалик, хоҳлаган жойдаги атмосферанинг ҳолатидир. Бир вақтнинг ўзида жойларда турлича об-ҳаво кузатилади. Об-ҳавонинг кўп йиллик режими иқлимни ҳосил қилади. Масалан, Ўзбекистоннинг иқлими мўътадил, континентал, яъни қиши совуқ, ёзи иссиқ. Баъзан буни субтропикка ўтадиган иқлим деб ҳам юритишади. Иқлим узоқ йиллар давомида таркиб топади ва жуда секин ўзгаради. Иқлимнинг кескин ўзгаришлари турли фалокатларга олиб келади. XX аср ниҳоясида жаҳон ҳамжамияти глобал иқлим ўзгариши муаммосига дуч келди. Атроф-муҳитга чиқарилаётган кўплаб газлар Ер юзи ўртача ҳароратини ошириб юборган, деган илмий тахмин бор. Сўнгги йилларда бу тахмин ўз тасдиғини топмоқда. Асосан, карбонат ангидрид ва метан газларининг кўпайиши иқлим исишига олиб келади.

— Илгари ҳам иқлим ўзгаришлари бўлганми?

— Албатта, бундан 65 миллион йил илгари Ернинг астреоид билан тўқнашуви натижасида иқлим ўзгариб, динозаврлар қирилиб кетган. Саҳрои Кабир, ҳозирги Уст-Юрт, Қизилқумларда аҳоли яшайдиган манзиллар бўлган. Иқлим ўзгариши билан одамлар бу жойларни тарк этишган.

— Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам иқлим ўзгаришлари қайд қилиняптими?

— Сўнгги йиллардаги кузатишлар бизнинг минтақада ҳам ҳароратнинг ошиб бораётганидан далолат бермоқда. Агар жаҳон бўйича ҳарорат охирги юз йилда 0,6 даражага ошган бўлса, Қозоғистонда бир даража, Ўзбекистонда шунга яқин, Тошкентда бир даража ошган. Айниқса, Уст-Юрт ва Оролбўйида ҳарорат кўпроқ ошган. Денгизнинг қуриши сабабларидан бири ҳам иқлимнинг ўзгаришидир. Бу масала ҳозир фаол ўрганиш босқичида.

— Ракеталар учирилишининг ҳам иқлимга таъсири бор дейилади. Сиз шунга қандай қарайсиз?

— Ракета учирилиши катта ҳудудаги об-ҳавони ўзгартириши қийин. Лекин, охирги вақтда учириш кўпайиб кетди. Ҳозир ушбу жараённинг об-ҳавога таъсири ҳақида турли тахминлар бор. Ўйлайманки, вақти келиб биз бу саволга аниқ жавоб олишимиз мумкин бўлади.

— Иқлим ўзгаришлари қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

— Албатта, иқлим ўзгаришлари ҳам салбий, ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келади. Лекин, салбий қисми катта бўлиши кутилмоқда. Иқлим ўзгариши натижасида океан сатҳи 15-29 см. кўтарилган. Кейинги юз йил давомида 1-4 метрга кўтарилиши кутилмоқда, ёғинлар тартиби ўзгаради, хавфли об-ҳаво ҳодисалари кўпаяди. Зараркунанда ҳашаротлар, касаллик тарқатувчи организмлар кенгроқ тарқалади. Турли касалликлар келиб чиқиши, борлари кучайиши башорат қилинмоқда. Иқлим ўзгаришининг 6-сценарийси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон учун ҳам 2-варианти тайёрланган. Ўзгаришлар пахта ва бошқа баъзи экинлар ҳосилдорлигига таъсир кўрсатади. Шунинг учун биз ҳозирдан чора кўришимиз керак.

— Иқлим ўзгаришларига қарши қандай чоралар кўриляпти?

— 1992 йил Иқлим ўзгариши халқаро конвенцияси қабул қилинган. 180 мамлакат имзолаган конвенция бўйича давлатлар иссиқхона газларини камайтириш мажбуриятларини олганлар. Аммо, ҳар биримиз тушуниб етмагунимизча бу ҳаракатларнинг самараси бўлмайди. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукумат комиссияси тузилган, халқаро лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳар биримиз электр энергияни, сувни тежаш, ахлатларни ёқишга йўл қўймаслик билан ушбу муаммони ечишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

Шерхон ҚОРАЕВ суҳбатлашди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Наврўз».
9.40 Лирик тароналар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.45 Кундузги сеанс. «Малласоч малика». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.40 «Оламга саёҳат».
13.00 Тоҳир Малик. «Алвидо болалик». А.Бакиров номидаги Андижон вилоят Ёшлар драма театрининг спектакли.
14.10-14.55 «Муҳаббат дарси».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «ТВ-патруль».
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қонун ва биз».
21.40 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.
23.05 «Маънавият».
23.50 «Ахборот».
00.20 Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», «Мульттомоша»)
18.40 «Муғанний».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Темурнома»: Менинг бир боғим борки.
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Изқувар Заррас». Телесериал. Сўнгги қисм.
20.45 «Жаҳон».
21.05 «Илк қадам». 1-қисм.
21.35 Эгиз қўшиқлар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Оилавий жанжал».
00.25 «Сурур».
00.40 «Хайрли тун!»

ТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильм.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.20 «Талабларга биноан».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Спорт-тайм».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Саргузашт фильмлар экрани.
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дил изҳори».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Мушкетерлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 1-серия.
17.25 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
17.55 Клип-антракт.
18.15 «Бу эрмак жониворлар».
18.45 «Мультсайёра».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
*
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
20.35 «Қўқонди латиф ёдгорликлари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Шов-шув». Телесериал.
22.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.30 «Вақт хазинасидан».
22.45 «Замонавий дизайн».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс. «Бу-ҳаётдир». Бадиий фильм.
01.05 «Ахборот» (рус тилида)
01.30-01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муҳаббатим — қалб ардоғим». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 Кундузги сеанс. «Беайб». Бадиий фильм.
12.05 «Мактублар — кабутарлар».
12.35 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.50 «Жалолиддин Мангуберди». Публицистик кўрсатув.
13.10 «Баҳор нашидаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10-14.40 «Аёл оламни асрар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Орзули олам бу».
18.30 «Кўйла ёшлигим».
18.50 «Юрт ҳавоси-тан давоси».
19.05 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалб минбари».
21.25 «Тоғлар таронаси». Ориф Одилхонов.
22.05 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Кавингтон Кросс». Кўп серияли бадиий фильм. 1-2 сериялар.
23.45 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Кинотилсим».
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Ёшлар» телеканалида премьера «Полиция комиссари». Телесериал.
20.50 Парламент.
21.05 «Марду майдон».
21.25 «Темурнома»: Шоҳизинда.
21.45 Озода Нурсаидова куйлайди.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 «Олтин тоғнинг сири». Бадиий фильм.
23.45 «Шарқ эстрадаси».
24.00 Тунгги сеанс. «Марҳумлар либос кийишмайди».
01.30 «Хайрли тун!»

ТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.25 «Ташналик». Телесериал.
19.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.20 «Ҳиндистондан салом!» Мусиқий тўплам.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Сўҳбатдош».
22.15 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Бешинчи ўлчов».
23.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Жонли тил».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Мушкетерлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 2-серия.
17.25 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
17.55 Клип-антракт.
*
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 «Мавзу».
*
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Сериал.
20.30 «Тошлар камалаги». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ-4 да немис тўлқини».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Ўт ўрувчи». Фантастик фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 -01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоаси — 40 ёшда.
9.00 «Зийнат».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 Таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.00 «Рақс, рақс, рақс...»
11.25 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.20 Кундузги сеанс. «Кавингтон Кросс». Кўп серияли бадиий фильм. 1-2 сериялар.
14.10-14.25 «Қизиқарли учрашувлар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сени Ватан кутади!»
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Шеър ва шуур».
18.50 «Имконият».
19.10 «Ассалом, футбол баҳори!»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига. «Латиф лутфу- наволар».1-қисм.
21.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 30-қисм.
22.35 «Қиёфа».
«Тунги ҳамроҳ».
23.05 «Мўъжаз Ватан». Композиция.
23.25 «Ёшлар ва эстрада».
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ўйна болажон, ўйна», «Мультомоша»)
18.45 «Равнақ».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Ракурс».
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.40 Эълонлар.
20.35 «Ринг».
20.50 «Рақслар қанотида»
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Илк қадам». 2-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.45 Футбол. УЕФА кубоги.
00.15 «Хит коллекция».
00.35 «Хайрли тун!»

ТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Ташналик». Телесериал.
19.15 «Глинка-44».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Усто». Телелавҳа.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Менинг Тошкентим!» Муаллифлик кўрсатуви.
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.25 «Кўзгу». Тележурнал.
00.45 Эстрада концерти.
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дурдаршан».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кундузги сеанс. «Мушкетерлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 3-серия.
17.45 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Мультсайёра».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Сериал.
20.30 «Наврўз келганда». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Ўйин». Бадиий фильм. Бош ролда Майкл Дуглас.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Олам қушиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 30-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳригиё».
10.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Наврўз-баҳор айёми».
10.45 «Диёр». Тележурнал.
11.20 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 Кундузги сеанс. «Олтин занжир». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10-14.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Алла». Премьера
18.45 «Дастурхон нонга тўлсин».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Пахтакор» (ёзиб олинган).
23.45 «Ахборот».
00.15 «Сомон йўли».
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 30-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлик формуласи».
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Мулоқот».
20.55 «Санам».
21.20 «Бизнес академия».
21.40 «Мумтоз наволар». Акаука Саидовлар куйлайди.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги сеанс. «Тилсим».
00.35 Футбол. Чемпионлар лигаси.
01.35 «Хайрли тун!»

ТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Ташналик». Телесериал.
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.45 Эстрада куйларидан концерт.
22.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.20 «Нафосат гулшани».
22.50 «ДАРАКЧИ.»
23.00 «Жаҳон спорти».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Ассалом, Франция!»
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кундузги сеанс. «Полиция академияси-1». Бадиий фильм.
17.30 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.00 Клип-антракт.
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Мультсайёра».
19.05 «Йўқотилганларни излаб...» «Катта вальс» юлдузи Милица Корьюс. Кўрсатувни Г.Скороходов олиб боради.
19.45 «Шаҳарлик фариштa». Сериал.
20.30 «Гўзаллик яратувчилар». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Бош ролда Майкл Дуглас. Бадиий фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Қўшиғимдасан Ватан». Мусиқий дастур.
8.55 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Булбулчанинг парвози».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оламни асранг».
10.25 Немис тили.
10.55 «Абадият қўшиғи».
11.15 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа.
12.05 «Талаб ва таклиф».
12.30 Кундузги сеанс. «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.10 Шарқ тароналари.
14.30-15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Хоразм» (Урганч).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Ҳиммат».
18.45 «Ташаббус-98». Кўрик танлови.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Пахтакор» (ёзиб олинган).
23.45 «Ахборот».
00.15 «Сомон йўли».
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар», «Мульттомоша»)
18.35 Ҳужжатли кино бисотидан: «Илк қадам».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Маънавият ва ёшлар».
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.15 «Автосалтанат».
21.30 «Меҳр кўзда».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Синема». «Жория».
24.00 «Шарқ оҳанглари».
00.15 «Мунаввар тонг истаб!»

ТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Баҳор тароналари».
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Онагинам».
11.35 «Дардингизга даво».
11.45 «Фаровонлик бекати».
12.10-13.50 «Кинонигоҳ».
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.45 «Саодат калити».
22.05 «Рақс ҳаётим».
22.30 «ДАРАКЧИ».
22.40 «Спорт оламида».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 «Кинонигоҳ».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 Мюзик-холл.
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кундузги сеанс. «Полиция академияси-2». Бадиий фильм.
17.30 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.00 Клип-антракт.
18.15 «Жентельмен-шоу».
18.45 «Мультсайёра».
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.35 «Ҳақиқат чегарасида». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
23.30 «Оскар совриндорлари антологияси».
23.45 Кинематограф. «Бони ва Клайд». Бадиий фильм.
01.30 «Ахборот» (рус тилида)
01.55-02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 20

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Фаройибот».
9.25 «Нафосат». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
10.55 «Кичкинтой устахонаси».
11.15 «Ўҳшаш чеҳралар».
*
11.55 «Ҳазрати Инсон».
12.10 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
12.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.45-15.10 «Манзил». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.25 «Халқнинг кўнгли».
22.50 «Телевизион миниатюралар театри».
23.30 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича мустақиллик кубоги
халқаро турнири.
24.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.
00.30 «Куй ва тасвир».
00.50 «Муҳаббат ҳақида мишмишлар». Бадиий фильм.
02.30-02.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Наврўзинг муборак, халқим!»
9.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.00 «Салом Наврўз». Мусиқий композиция.
10.20 «Темурнома»: Бисёр олий иморатдур.
10.40 «Наврўз оҳанглари».
11.00 «Темир хотин». Фарғона театрининг спектакли.
13.10 «Наврўз оҳанглари».
13.20 «Маслаҳат»дан лавҳалар.
13.45 «Чолиқуши». Телесериал. 2-қисм.
14.35 «Ташрифинг муборак Наврўз!»
14.55 «Она юртим обод қолсин». Видеофильм.
15.15 «Улғайиш». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»)
15.35 Меҳр кўзда.
16.05 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»)
17.15 «Баркамол авлод орзуси». Видеофильм.
17.30 «Ширин орзулар».
17.50 «Наврўз оҳанглари».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Наврўзинг муборак, халқим!»
18.10 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Наврўз сайли. 1-қисм)
18.40 «Ассалом, Наврўз!»
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ташаббус-98». Республика тадбиркорларининг кўрик танлови якунлари.
19.50, 20.40, 23.30 Эълонлар.
19.55 «Чолиқуши». Телесериал. 3-қисм.
20.45 «Эски альбомдан».
20.50 «Кўҳна ва янги оҳанглар». М.Намозов.
21.05 «Сир».
21.20 «Туйғу».
21.40 «Баҳорни соғиниб». Киноконцерт.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Эски альбомдан».
22.35 «Наврўз қўшиқлари».
23.35 Синема. «Автобус бекати».
01.15 «Наврўзинг муборак, халқим!»

ТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Жозиба».
9.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.15 «Муаллиф».
10.45 Болажонлар экрани.
12.15 «Спорт-тайм».
12.40 «Бева Бланка». Телесериал.
13.25 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Немис шарҳи», «Бизнинг мерас».
14.10-15.50 «Кинонигоҳ».
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Табиат шифохонаси».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Мирза Ғолиб». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тасанно».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Мисли гавҳар».
22.40 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Ер курраси».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. Бадиий фильм.
11.20 «Фан-тайм» (Инглиз тили болалар учун)
11.30 «Жонли сайёра».
11.50 «Буржлар башорати».
12.50-13.20 «Жаҳон спорти янгиликлари»
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.10 «Ассалом, Наврўз!»
19.15 «Мюзик-холл».
19.35 «Бугуннинг аёли».
19.55 «Бу ажиб дунё».
20.10 «Биргаликда куйлаймиз».
20.55 «Ассалом, Наврўз!»
Россия жамоат телевидениеси
21.00 «Время».
21.35 «Махфий хужжатлар». Телесериал.
*
23.20 Тунги сеанс. «Биринчи бўса». Кинокомедия.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15-00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 21

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Наврўз тароналари». Мусиқий дастур.
9.40 «Юрт ўғлонлари». Миллий халқ ўйинлари.
10.00 «Бойчечак». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
10.35 «Баҳор мушоираси».
11.00 Алишер Навоий номидаги миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
12.40 С.Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
14.40 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
15.00 Янгиликлар.
15.05 «Ёшлик баҳори». Телеқўприк.
16.00 «Ҳар кунинг ўлсин Наврўз». Пойтахт майдон ва сайилгоҳларидан репортаж.
16.15 «Қора қаср». Мультфильм.
16.30 «Шўх шодиёна». Мусиқий композиция.
17.00 «Ҳар кунинг ўлсин Наврўз». Пойтахт майдон ва сайилгоҳларидан репортаж.
17.15 «Сумалак — етти малак». Театрлаштирилган томоша.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.00 «Шукуҳлар ола кел». Мусиқий дастур.
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 Алишер Навоий номидаги миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
22.50 «Ажаб саодат эрур».
23.50 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
00.30 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Мустақиллик кубоги халқаро турнири.
01.00 «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
02.40-02.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Наврўзинг муборак, халқим!»
9.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.00 «Эски альбомдан».
10.05 «Азизим».
10.30 «Темурнома»: Темурхон наслидан Султон Улуғбек.
10.50 «Наврўз оҳанглари».
11.00 Алишер Навоий номидаги миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
12.40 «Наврўзинг муборак халқим!»
12.45 Ғазал соғинчи.
13.00 «Келин салом». Видеофильм. 1-қисм.
13.40 «Лаззат».
14.00 «Наврўзинг муборак халқим!»
14.05 «Байрам репортажи».
14.15 «Келин салом». Видеофильм. 2-қисм.
14.55 «Наврўзинг муборак халқим!»
15.00 «Ташаббус-98»
15.20 «Ватан манзаралари».
15.35 «Наврўзинг муборак халқим!»
15.40 «Келин салом». Видеофильм. 3-қисм.
16.20 «Байрам репортажи».
16.30 «Наврўз оҳанглари».
16.35 «Мутойиба».
16.55 «Эски альбомдан».
17.00 «Миллионлар ўйини».
17.25 «Бугуннинг боласи».
17.50 «Наврўз оҳанглари».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Наврўзинг муборак, халқим!»
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Наврўз сайли. 2-қисм)
18.35 «Баҳорни куйлайман». А.Орипов.
18.55 «Наврўзинг муборак халқим!»
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Баҳс, мунозара, таҳлил...»: Фидокорлар.
20.00 «Эски альбомдан».
20.05 «Бир ўлка-ки».
20.30 «Наврўзинг муборак халқим!»
20.35, 22.40 Эълонлар.
20.40 «Наврўз фантазияси».
21.50 «Эски альбомдан».
21.55 «Наврўзинг муборак халқим!»
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Наврўзинг муборак халқим!»
22.45 «Обид-шоу».
23.35 «Эски альбомдан».
23.40 «Сен азиз ва муқаддассан аёл». Мусиқий дастур.
01.40 «Тонг юлдузи».

ТВ

7.00 «Ассалом, Наврўз!»
7.15 Пойтахтимиз жамоли.
7.25 «Лайлак келди...» Мусиқий кўрсатув.
7.45 «Улоқ».Телефильм.
7.55 «Бойсун» фольклор-этнографик ансамблининг чиқиши.
8.15 «Таманно».
8.25 «Райҳону, гул шайдоси». Мусиқий кўрсатув.
8.50 Наврўз табриги.
9.00 «Бир аёл тарихи».
9.15 «Баҳор таронаси». Концерт.
9.25 «Жилва». Қорақалпоғистон фольклор ансамбли ижро этади.
9.45 Болажонлар экрани. «Еттинчи жин». Бадиий фильм.
11.00 А.Навоий номидаги миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
12.40 «Тошкент ва тошкентликлар».
13.00 «ДАРАКЧИ».
13.10 «Шунчаки, ҳазил». 1-қисм.
13.40 «Чодир жамол».
14.00 «Шунчаки, ҳазил». 2-қисм.
14.30 «Дарахт экиб, боғ ярат».
14.40 Наврўз табриги.
14.50 С.Имомов. «Шайтон ва фариштa». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси.
16.05 «ДАРАКЧИ».
16.15 «Шайтон ва фариштa». Спектаклнинг давоми.
16.50 «Соғлом-авлод учун».
17.10 «ММ-шоу».
17.30 «Маҳаллада Наврўз».
17.40 «Сўтақўзи театри-Наврўзда».
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.15 «Табиат шифохонаси».
18.25 Вобкент тумани «Мардона» фольклор ансамбли.
18.45 «Латифа».
19.05 «Достон». Хива туман фольклор ансамбли.
19.25, 20.00, 20.25 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Бир кулишайлик».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Ханда дўкони».
21.30 «Ташаббус-98».
22.20 «Менинг Тошкентим».
22.50 «Ишдаги ишқ ёки...»
23.10 «ДАРАКЧИ».
23.25 «Тасанно».
00.05 «Ҳамшаҳарлар».
00.45 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
02.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Ассалом, Наврўз!»
9.10 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.25 «Парле ву франсэ?»
10.50 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
11.00 Ален Делон «Зорро» фильмида.
12.40 «Тенгдошлар».
13.00 «Ассалом, Наврўз!»
13.05-13.45 «Дўстлик» видеоканали.
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 Телефильм.
19.20 «Жонли тил».
19.55 «Ассалом, Наврўз!»
20.00 «Йил қўшиқлари».
20.45 «Ассалом, Наврўз!»
20.50 «Буржлар башорати».
Россия жамоат телевидениеси
21.50 Жаҳон киноси. «Уч мушкетер» фильмининг Голливудча талқини.
23.45 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.15-01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади
Дўконим

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 13 mart, shanba № 31 (24.426).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Футбол: мавсум арафасида

Орзиқиб кутилган дамлар яқинлашмоқда. Яна бир неча кундан кейин мамлакатимиз шаҳарларида 8-миллий чемпионат байроғи кўтарилади. Яна олқишлар, ҳайқириқлар янграйди. Қуйида эса футбол мавсумига тайёргарлик кўраётган икки жамоа ҳақида ҳикоя қиламиз.

Орзуга айб йўқ

Мамлакат чемпиони — «Пахтакор» жамоасининг бошлиғи Асқар ТОЛИБЖОНОВ севимли футболчиларимизнинг мавсумга тайёргарлиги ҳақида сўзлаб берди.

— Гапнинг сирасини айтганда, ишқибозларнинг пахтакорчиларга алоҳида меҳри ва муносабати борлигини эътироф этиш керак. Боиси, бу ўзбек футболининг тарихи, турли даврларда севимли жамоага айланган пахтакорчиларнинг маҳоратларию, унутилмас хотиралар билан боғлиқдир. Зеро, ўтган йили чемпион номига сазовор бўлиб, кўпчиликни мамнун этган бўлсак-да, ўзимиз шундай фахр ва шарафга муносиб бўлишда имкониятларимиздан етарлича фойдаланяпмиз дейиш қийин. Хусусан, Осиё кубок эгалари кубоги учун курашда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиход» жамоаси билан учрашувда бу нарса янада кўзга ташланди.

Сафарда дарвозамиздан жавобсиз учта тўп ўтказиб юборганимиздан кўпчилик хабардор. Шунга қарамай, «Жар» стадионида ўтказилган такрорий учрашувга мухлислар умид билан тўпланишганидан мамнуният ҳосил қилдик. Тўғриси, бу учрашувда ўзгариш ясаб рақибларимизни доғда қолдиришимизга кўпчилик ишонганди. Аммо, иш бошқаю жадал бошқа, деганларидек, думалоқ тўп ўз «ишини» билиб қилаверади. Ўйин бошидаёқ ўтказиб юборилган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди. Албатта, бу мағлубиятга турли сабабларни рўкач қилиш мумкин. Зотан, очиқчасига гапирадиган бўлсак, биз ўз майдонимизда руҳий ва жисмоний имкониятларимиздан етарли фойдалана олмадик. Бунинг устига, бизда эндигина мавсумга тайёргарлик бошланаётган бўлса, Саудия Арабистонида мавсум айни авжга чиққан палла эди. Яна «Ал-Иттиход» етакчи жамоалардан саналади.

Олмонияга 10 кунлик сафар ҳам мавсумга тараддудни тобига етказишда ўзига хос аҳамият касб этди.

Ҳозир пахтакорчиларга Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилмоқда. Унга Тўра Шоймардонов кўмаклашаётир. Жамоадан Павел Бугало, Эркин Назаров, Алексей Рошчин кетган. Миржалол Қосимов билан Игор Шквирин ҳамиша суянчиғимиз бўлиб қолади. Александр Писарев, Владимир Галянов жамоа сафига қўшилган. Ўйлаймизки, пахтакорчилар мавсум мобайнида ҳужумкор ва барқарор ўйинлар кўрсатадилар, мухлисларни уялтириб қўймайдилар.

Адҳам ЖЎРАЕВ

Олий лига хумори

1997 йили МҲСК футболчиларининг мамлакат чемпиони бўлишлари ўзига хос воқеа бўлганди. Бу жамоа ўша мавсумда мағлубият нималигини билмай кўпчиликни ҳайратга солганди. Афсуски, бултур бу жамоа деярли ўйин кўрсатолмай, сўнги поғонадан сира кўтарила олмади. Оқибатда, олий лигани тарк этишга мажбур бўлди. Шунинг учун ҳам мухлислар МҲСК-нинг чемпион бўлишини тасодифга йўйдилар. Ҳақиқатдан ҳам МҲСКда имкониятлар етарли эмасми? Нима учун кўпчилик футболчилар чемпионлар жамоасини тарк этишди? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт қўмитаси бошлиғи Ильдор АБУБАКИРОВ қуйидагича ҳикоя қилади:

— Ўша, МҲСК чемпионликка эришган йил мавсум охирида футболчиларимиз олдимизга ўзига хос шарт қўйишди. Уларнинг талаби моддий рағбатлантириш масаласи эди. Яъни, йигитларни чемпионларга хос тақдирлашимиз лозим экан. Бундай шартни адо этиш учун бизда молиявий имконият етарли эмасди. Афсуски, ўшанда йигитларимизда чемпионлик билан мағрурланиш, ватанпарварлик туйғуси, фахр ва ифтихор каби нозик инсоний туйғулар етишмади. Оқибатда, 1998 йил бошида футболчиларимиз бошқа жамоаларда ўйнаш қизиқарлироқ, деган фикрга бордилар. Бирданига 15 нафар футболчининг хизмат муддати ва шартномаси тугаганди. Ҳамматларига рухсат берилди. Шу тариқа олдимизда олий лигада қолиш масаласи кўндаланг бўлди. Мана энди ҳаммага аён бу муаммо ечилмай қолди. Ёшлик, тажрибасизлик туфайли МҲСК олий лигани тарк этди.

Шу кунларда жамоага Александр Павловский мураббийлик қиляпти. Илгари у «Сурхон»да ишлаган. Жамоамиз ёшарган, асосан 18-19 ёшли йигитлардан иборат. Шунга қарамай, олий лигани кўзлаб турибмиз.

Равшан ШОДИЕВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55, 133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.366 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0177

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Эҳ, бу одамлар...

Маяковский адабий кечалардан бирида шундай мактуб олипти: «Ўртоқ Маяковский! Шу билан мен сизнинг гапингизни учинчи шаҳарда эшитяпман. Лекин уччала сафар ҳам сиз бир мазмундаги гапларни айтяпсиз?»

Маяковский жавоб берипти:

— Азизим, сизга менинг кетимдан шаҳарма-шаҳар юришдан бошқа иш қуриб қолганмиди?

***

Чўнтагида бир мири қолмаган Оскар Уайльд илтифот билан эшик очган швейцардан сўрайди:

— Менга йигирма франк бериб туролмайсизми?

— Марҳамат, мана.

Уайльд пулни швейцарга қайтаради:

— Олинг. Бу сизга чойчақа...

***

Радиолокация аппаратини ихтироси билан, Британияни фашистлар бомбардимонидан сақлаб қолишга ёрдам берган инглиз физиги Роберт Бэтсон-Уатт Канада шаҳарларидан бирида машинада кетаётганида полиция уни тўхтатиб, тезликни оширгани учун жарима солади. Қизиғи шундаки, полиция машина тезлигини олимнинг ўзи ихтиро қилган радиолокация ёрдамида аниқлаган.

***

Афлотундан сўрашибди:

— Инсон бошига кулфат тушганда ўзини қандай юпатиши мумкин?

Файласуф жавоб берипти:

— Ақли расо киши содир бўлган бахтсизликнинг қонунийлигига иқрор бўлиш билан ўзини юпатади. Тентак киши эса бундай бахтсизлик бошқалар бошига ҳам тушади деган хаёл билан ўзини юпатади.

***

Умумий алгебранинг ижодкори Эмин Нетер илмий хизматларига қарамай, кўп йиллар мобайнида доцентлик унвонини ололмаган экан. Бунга реакцион олимлар қарши чиқиб, «аёл кишига доцентлик унвонини берсак, кейин профессорликни ҳам бериш керак, сўнг эса уни университет сенатига сайламоқ лозим бўлади», дейишипти. Шунда машҳур математик Давид Гильберт уларга мурожаат қилиб деган экан: «Университет сенати ҳаммом эдимики, унга аёл кишининг кириши ман этилар экан».

***

Немис физиги Конрад Рентген бир бадавлат одамдан хат олади. Бу одам Рентгеннинг олдига боришга вақти йўқлигини айтади ва нурдан юборишини, ундан қандай фойдаланиш кераклигини маълум қилишини сўрайди. Рентген унга жавоб йўллайди:

— Афсуски, ҳозир қўлимда тайёр нурлар йўқ. Уларни юбориш ҳам жуда қийин. Бирдан-бир иложи — сиз кўкрак қафасингизни юбора қолинг.

(«Ичак узар ҳангомалар»дан)

«Ахлоқий ва таълимий асар» ўйланмаси

Азиз муштарий! Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу машқ тавалудига 120 йил тўлган атоқли адиб ва мураббий, маърифатпарвар ижодкор Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ва ахлоқ» асари асосида тузилган. Аввало, шу асардаги шеърий мисралардан келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ечинг.

1. Тарбия бобида:
Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Билки охирида эрур доруломони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила ризвонлара,
Ғар десам бўлмас хато 19, 2, 4, 4, 2, 22 макони тарбият.
2. Тарбиянинг замони бобида:
Керак тарбият ёшликдан демак,
15, 6, 15, 29 бўлса лозим келур ғам емак.
3. Бадан тарбияси бобида:
Саломатликни сақлаш лозим ишдур,
Гуноҳдин сақла жисминг ёзу қишдур.
Касал бўлсанг, бўлур 5, 15, 4, 11 қоронғу.
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишдур.
Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айшу ишратдан кечишдур.
4. Фикр тарбияси бобида:
Фикр агар яхши тарбият топса,
Ҳанжар олмосдан бўлур 7, 22, 20, 15, 3.
Фикринг ойнаси олурса занг,
Руҳи равшан замир ўлур бенур.
5. Яхши хулқлар бобидан:
Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди 14, 9, 8, 1, 6 бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб қотил бўлур.
Қатталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқи бузуқ бир беадаб жоҳил бўлур.
6. Риёзат бобида:
Риёзат мевасидур мисли бодом,
Юзи қаттиғ ичидур иштда иньом.
Киши мақсудина элтар риёзат,
Риёзатсиз 1, 2, 7 ўлғай бесаранжом.
Агар сабру риёзат чексанг, эй жон,
Пишуб олгинга тушгай меваи ҳам.
7. Сабр бобида:
Сабр қилсанг, ғўрадан 14, 2, 6, 18, 9 битар,
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.
8. Мунислик бобида:
Яхши дўст айби ёру дўстини,
Кўзгудек рўбарўсида сўзлар.
Ёмон ўртоғ тароғча 13, 1, 4, 10 тил ила,
Орқадан бирмалаб териб сўзлар.
9. Садоқат бобида:
Сидқу сафойи ростлиқ ўлса қаробатинг,
Шулдур жаҳонда роҳат, 21, 2, 24, 28 саодатинг.
Оламда тўғриликча йўқ одамнинг зийнати,
Қалбинг алифдек ўлдими, айни шарофатинг.
10. Иқтисод бобида:
Халқ ичинда 13, 7, 16, 22, 2, 17, 2, 3 бир нарса йўқ, давлат каби,
Бўлмагай давлат жаҳонда қуввату сиҳҳат киби.
Иқтисод, инсоф зийнатдур вужуди одама,
Яхши 4, 23, 16, 13, 2, 22 йўқ кишига саъй ила ғайрат каби.
11. Виждон бобида:
Соф виждон каби ҳеч комила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур инсоф ила виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тўғри 25, 1, 4 инсон ўлмаз.
12. Ёмон хулқлар бобида:
Яхшилик бозоридур дорул омон,
Яхшилик қил, яхшилик қилмас зиён.
Мактаб, дунёда касб эт яхши 12, 15, 6, 26.
Фарз, вожиб, суннат, истиҳ бобдан бер имтиҳон.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларда яширинган ўйланмани ҳал этиб, ижодкорнинг ноёб асаридаги яна бир ҳикматли тўрт мисрани билиб олинг. Мазкур мисралар асарнинг қайси бобига мансуб эканлигини биласизми?

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ.

«ҲОДИР АСАРЛАР» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. «Ҳамса». 2. «Муфрадот». 3. Аруз. 4. Фарҳод. 5. «Ушшоқ». 6. «Муножат». 7. Мунис. 8. Дилором. 9. Моний. 10. Симурғ. 11. Меҳр. 12. Гулчеҳра. 13. Лайли. 14. «Найлайин». 15. Рахш. 16. Мирали. 17. Зуҳал. 18. Мушоира. 19. Фоний. 20. Суҳайло. 21. Турок. 22. «Бўстон». 23. Бону. 24. «Оташкада».

«ҲИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ.

Очқич: 1. Емак. 2. Бил. 3. Маҳбуб. 4. Айт. 5. Туз. 6. Эшитурдин. 7. Тилга.

Ҳикмат: *Эр кишига зебу-зийнат илму ҳикматдир.*

Ўқинг-чи! «Маҳбуб-ули-қулуб» асари.

Шам чироқли жарроҳлар

Тиббий асбоб-ускуналарсиз, айтайлик электрсиз ҳам беморни жарроҳлик йўли билан даволаш мумкинми? Тасаввур этмоқчи бўлган кишининг эти жунжикиб тушади. Лекин ҳаётда нималар бўлмайди. Шундай воқеа ҳам бўлди.

Вильнюсдаги юрак касалликлари клиникасидан бирида тўсатдан чироқ ўчиб қолди. Ваҳоланки, шу пайтда шифохонадаги икки нафар — 15 яшар қиз ва 56 ёшли эркак бемор жарроҳлик столида ётарди. Кардиологлар эсанкираб қолишмади. Ишларини шамчироқ ёруғида давом эттираверишди. Фақат беморларни сунъий нафас олдиришни «қўлда» бажаришга тўғри келди.

Орадан бир ярим соат чамаси вақт ўтгачгина электр тармоғини таъмирлашди. Қарангки, ҳар икки жарроҳлик ишиям муваффақиятли тугаб, бу ҳодисадан беморлар ҳеч қандай зиён-заҳмат чекишмади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулинигор» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида 66-18-14 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Қурилишматериалсаноатбутлаш» акциядорлик жамияти жамоаси бошқарув раиси Маҳмуджон Меликўзиевга онаси **Татихон ИКРАМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси концерн ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи О. Ғуломовга онаси **ҒУЛОМОВА Раъно Тожибой қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

UZBEKISTAN airways

Диққат!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси янгиликлари

Баҳорги-ёзги мавсумни миллий авиакомпания янги ҳалқаро йўналишлар бўйича „мунтазам парвозлар билан" очмоқда. Шулардан бири, Ўзбекистон ва Украина давлатлари ўртасидаги кўп қиррали ва самарали ҳамкорлик натижаси сифатида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Авиалинии Украины» авиакомпанияларининг биргаликда фойдаланадиган

ТОШКЕНТ – КИЕВ – НЬЮ-ЙОРК – КИЕВ – ТОШКЕНТ

авиайўналишидир.

1999 йилнинг 2 апрелидан бошлаб қатновлар ҳафтада икки марта энг замонавий ва қулай «БОИНГ-767» да сешанба ва жўма кунлари амалга оширилади.

205/206 қатнови	Тошкентдан учиш вақти — 10.10	Нью-Йоркдан учиш вақти — 20.30
207/208 қатнови	Киевга келиш вақти — 13.10	Киевга келиш вақти — 12.55+1
	Киевдан учиш вақти — 14.40	Киевдан учиш вақти — 14.25
	Нью-Йоркка келиш вақти — 18.30	Тошкентга келиш вақти — 20.50

«Борисполь» аэропортида йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Киевликлар ҳам Ўзбекистон аҳолиси қатори «Ўзбекистон ҳаво йўллари» учувчиларининг хизмат кўрсатиш даражасига ва маҳоратига муносиб баҳо беришлари мумкин.

Тўлиқ маълумотларни Ҳаво алоқалари Бош агентлигида (Тошкент, У. Носир кўчаси, 9-уй, тел: 56-38-37), унинг филиалларида ва миллий авиакомпаниянинг ваколатхоналарида олиш мумкин.

Миллий авиакомпаниянинг Киевдаги ваколатхонаси — тел: 044-225-41-65.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси билан парвозингиз ёқимли ўтсин!

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55